

# ДОИМО ПАРТИЯ БИЛАН, ДОИМО ХАЛҚ БИЛАН

19 декабрь — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Советн Президиумининг Раиси, замонамизнинг атоқли партия ва давлат арбоби, тинчлик учун оташин курашчи Леонид Ильич Брежневнинг туғилган куни яқинлашмоқда. Ажойиб юбилей арафасида совет кишилари каби бутун жаҳон меҳнаткашларининг ҳам Леонид Ильич шахсига, халққа, партияга, улуғ Ленин васият қилган коммунизм қурилиши ишига, ўзининг қудратли социалистик Ватанига ўзини тўлалигича бағишлаётган инсон ҳаёти ва фаолиятига бўлган қизиқиши, айниқса юксак. Бу шундай Ватанки, унга Леонид Ильич ўзининг яқинда нашр қилинган «Эсдаликлар»ида ажойиб таъриф берганди.

«Ҳаммамизда ҳам Ватан туйғуси жуда кучли. Ажойиб туйғу! Бу туйғу заминимизнинг гўзаллигини ҳис этиш билангина туғилмайди, албатта. Донолар айтганидек, бу заминга вужуд-вужудинг билан сингиб кетишинг керак. Инсон заминда обдон тер тўкиб, меҳнат қилиб, ғалла ўстиради, шаҳар бино қилади, янги йўл қуради ёки шу заминни ҳимоя қила туриб, унда окоплар қазийди. Ана шундагина у Ватан нималигини мағзи-мағзигача тушуниб етади».

«Планета» нашриётида босмадан чиққан «Леонид Ильич Брежнев. Ҳаёти ва фаолияти саҳифалари» фото-ҳужжатлар альбоми (В. Голиков умумий таҳрири остида. Тузувчилар: Г. Коваленко, И. Чхиквишвили ва А. Сахаров) Леонид Ильич Брежнев ҳаёти ва фаолиятининг кўпгина босқичлари ҳақида ҳикоя қилади. Альбом Биринчи Намунали босмахонада босилган.









● Совет Иттифоқи янги Конституциясини тасдиқлаган тўққизинчи чақириқ СССР Олий Совети навбатдан ташқари еттинчи сессиясининг мажлиси. Минбарда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, Конституция Комиссиясининг Раиси Л. И. Брежнев.

● Болалар ҳақида оталарча ғамхўрлик билан.

● Л. И. Брежнев И. А. Лихачев номидаги Москва автомобиль заводида. 1976 йил.

● КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев В. И. Ленин номига берилган 00000001 номерли янги нусхадаги партия билетига имзо чекмоқда.

● Л. И. Брежнев полкдошлари билан. 1943 йил.

● Ракета техникасини ривожлантиришдаги ва совет кишисининг космосга муваффақиятли парвозларини таъминлашдаги юксак хизматлари учун Л. И. Брежнев Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. 1961 йил.

● Л. И. Брежневнинг қўриқ меҳнаткашлари билан учрашуви.

● Л. И. Брежнев пахта майдонида. Ўзбекистон, 1970 йил.

● Леонид Ильич Брежнев рафиқаси — Виктория Петровна ва онаси — Наталия Денисовна билан. Москва, 1966 йил.









(«Известия» газетасидан олинди).

